

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2024 ЙИЛ — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2024 йил 2 август, № 155 (8778) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# БИР БЎЛСАК – ЯГОНА ХАЛҚМИЗ, БИРЛАШСАК – ВАТАНМИЗ!

Ватанимиз мустақиллигининг 33 йиллиги олдидан

## ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР

### ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ПОЙДЕВОРИ

Мамлакатимизнинг давлат мустақиллигига эришиши, ҳуқуқий демократик давлат қурилиши, янги жамиятга ўтиш даврида сиёсий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир тадбирлар, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш, маънавий-руҳий покланиш ҳамда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олиши муҳим тарихий воқеалардир.

Юртимиз сиёсий-ҳуқуқий тизими кўп босқичли ислоҳотларни бошдан кечирди. Қонунчилик йиллар давомида янада мустаҳкамланиб, такомиллаштирилиб борилди. Хусусан, жадал ривожланаётган замонамизга ҳамоҳанг бўла оладиган Конституциямизнинг янги таҳрирда қабул қилиниши давлатимиз қонунчилигидаги муҳим ўзгаришлардан бири бўлди. Асосий Қонунимизга барча соҳани қамраб олувчи янги нормалар киритилди ҳамда мавжуд нормалар янада такомиллаштирилди. Шунингдек, бошқа қатор ҳуқуқий ҳужжатларга ҳам ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

**Аҳолига ҳамма қулайликни яратиш, уларнинг яшаш шароитини янада яхшилаш мақсади ривожланишнинг асосий босқичи сифатида намоён бўлди. Рақамлаштирилган янги асрда қоғозбозлик ва ортиқча оворагарчиликлардан воз кечиш мақсадида барча давлат хизмати ягона тармоққа бирлаштирилиб, замонавий ахборот-технологияларидан кенг фойдаланишга ўтилди. Аҳолининг давлат ташкилотларига мурожаатларини интерактив тарзда қабул қилиш ва кўриб чиқиш, электрон мурожаатлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш орқали вақт ва харажатларни тежаш, хизматларни соддалаштириш самарали йўлга қўйилди.**

Давлат хизматлари марказларида фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилиш, улар асосида ваколатли органлар билан электрон ҳужжат алмашиш асосида ҳужжатлар тайёрлаб тақдим этиш, божлар ва давлат томонидан кўрсатиладиган пуллик хизматлар тўловини банк бўлими орқали амалга ошириш, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш каби хизматлар йўлга қўйилди. Шунингдек, фуқаролар марказнинг ўзида коммунал тўловларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорлик фаолияти, солиқ тўловлари ва бошқа масалаларга оид ахборотларни тўлиқ шаклда олиш имконига эга бўлди.

Давлат сиёсатида очиқлик ва шаффофлик тамойили янада кучайтирилди. Давлат бошқарув тизимида қабул қилинаётган барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар интернет тармоқлари орқали аҳолига тақдим этилиб, барча ҳукумат идоралари устидан жамоатчилик назорати ўрнатилди.

Буларнинг барчаси "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган эзгу ғоя асосида амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, одил судловга эришишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар олиб боriляпти. ➔ 2

## ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТДА АҲОЛИ ФАРОВОН ЯШАЙДИ



***Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 1-моддасида белгилаб қўйилган Ўзбекистон ижтимоий давлат экани ҳақидаги асосий тамойил мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда ўзининг ҳаётий ифодасини топмоқда.***

Нуқтаи назар



*Ҳасан ПАЙДОЕВ, Сирожиддин ВОҲИДОВ олган суратлар.*

### Тўғри ва одилона танланган стратегик ёндашув

Кейинги йилларда инсон қадри олий мезон бўлган янги ҳаёт, янги жамият қуришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида ижтимоий соҳада мисли кўрилмаган ижобий ўзгаришлар юз берди. Хусусан, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, фуқароларга кўрсатилаётган ёрдам кўлами ва турларини кенгайтириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди. Ижтимоий дастурларни молиялаштириш харажатлари ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2 бараварга ошиб, кам таъминланган нафақа олувчи оилалар қамрови 5 баробар кўпайди, ногиронлиги бўлган шахслар ва болалар парвариши билан банд бўлганлар учун янги нафақа турлари жорий этилди.

Меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифалари ҳуқуқ ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш, ижтимоий хизматлар кўрсатиш сифатини тубдан ошириш ҳамда мазкур соҳага илғор халқаро стандартларга асосланган мутлақо янги бошқарув тизимини жорий қилиш бўйича ишлар амалга оширилди. ➔ 3

## Ўзбекистон ва ЮНФПА ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари

*Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева БМТ Аҳолишунослик жамғармасининг (ЮНФПА) Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Нигина Абасзаде билан учрашув ўтказди.*

Учрашув

Унда Ўзбекистон ва ЮНФПА ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ҳамда истиқболлари, жумладан, жамғарма кўмагида Ўзбекистонда амалга оширилаётган лойиҳа ва тадбирлар билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Мулоқот давомида Ўзбекистон ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш режаларини ишлаб чиқишда бугунги демографик жараёнларни ҳисобга олиш, 2025-2026 йилларда аҳолини рўйхатга олиш бўйича ҳамкорлик қилиш масалалари муҳокама этилди.

Бундан ташқари, замонавий технологияларни қўллаш асосида аҳоли соғлигини сақлаш, репродуктив саломатликни яхшилаш ва кадрлар салоҳиятини оширишга қаратилган лойиҳалар самарадорлигига эришиш юзасидан аниқ таклифлар илгари сурилди.

Шу билан бирга, республикада зўравонликка қарши курашиш бўйича қабул қилинган қонунларни ҳаётга татбиқ этишда илғор тажрибалардан самарали фойдаланиш масаласида фикр алмашилди, бу борада ҳамкорликда алоҳида чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши белгилаб олинди.

**«Халқ сўзи».**

## УЧТА САМАРАДОР ЛОЙИҲА ШАРОФАТИ

*"Навоийазот" акционерлик жамиятида бир қатор инвестициявий лойиҳалар самарали амалга оширилиши туфайли хомашё, кимёвий восита ва бутловчи материалларнинг катта харажатлар эвазига хориждан келтирилишига барҳам берилди. Натижада мамлакатимиз кончилик саноатида цианли тузлар, теомочевина, полиакриламид каби кимёвий бирикмаларга бўлган эҳтиёжни тўлиқ қаноатлантиришга эришилди. Дастлабки босқичда каустик сода цехининг ишга туширилиши билан ушбу хомашё таъминотидаги узилишларга барҳам берилибгина қолмай, маҳаллийлаштириш ҳисобига 6 миллион доллар маблағ тежаб қолинди. Пировардида экспорт ҳажми сезиларли даражада ошди.*

Саноат корхоналарида

Президентимизнинг 2017 йил 24 июлдаги "Навоийазот" акциядорлик жамиятида инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига кўра, кенг кўламдаги имтиёзлар асосида учта самарадор лойиҳани муваффақиятли амалга ошириш чоралари белгилангани ана шу муваффақиятларга асос бўлиб хизмат қилмоқда.

— Мазкур қарор асосида молиялаштиришдан тортиб божхона ҳужжатларини расмийлаштириш, пудратчиларнинг солиқ тўлови ва бошқа барча жараён соддалаштирилди, — дейди "Навоийазот" акциядорлик жамияти ПВХ, каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш комплекси бошлиғи Рамил Гильванов. ➔ 2

Мушоҳада

## БАРҚАРОР КЕЛАЖАККА МУШТАРАК ЁНДАШУВЛАР

*Президентимиз томонидан мунтазам равишда Туркий давлатлар ташкилоти саммитларида илгари сурилаётган ташаббусларнинг олқишланаётгани Ўзбекистоннинг тузилмадаги мақоми ва обрўсини белгилабгина қолмай, бутун туркий дунёнинг Юртбошимизга юксак эҳтироми ҳамда лидерлик салоҳиятининг эътирофини ҳам англатади.*

Давлатимиз раҳбари ташаббуси ва раҳбарлигида юртимизда жадал олиб борилаётган сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳалардаги улкан ислоҳотлар туркий дунё халқларида учинчи Ренессанс ғояси реал воқелик касб этишига катта ишонч уйғотмоқда.

Шу йил 6 июль куни Озарбайжоннинг қадимий Шуша шаҳрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилоти раҳбарларининг норасмий саммитида Ўзбекистон Президентининг нутқида тилга олинган масалалар яна бир карра давлатимиз глобал муаммолар ечимида ўз овозига эга эканини намоён этди.

Қайд этиш жоизки, шу кунгача бўлиб ўтган кенгаш саммитларида туркий давлатлар ҳамдўстлиги доирасида иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жабҳалардаги кўплаб муҳим соҳалар, жумладан, савдо-иқтисодиёт, транспорт, инвестиция-молия, экология масалалари кенг муҳокама қилинган, ўзаро келишувларни жадаллик билан амалга ошириш йўлида муҳим қадамлар қўйилган. Галдаги тарихий учрашувда эса давлатимиз раҳбари томонидан минтақамизда вужудга келган энг оғриқли масалалар тилга олинди. Масалан, тўрт муҳим йўналиш — савдо ва транспорт йўлларини ривожлантириш, муқобил энергетика, иқлим ўзгаришларига қарши курашиш, барқарор тинчлик ва осойишталикни таъминлаш масалалари юзасидан жиддий таклиф-мулоҳазалар ўртага ташланди.

*"Бундай мураккаб вазиятда азалий қардошлик руҳидан куч олаётган алоқаларимизни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришни, умумий ёндашувларни ишлаб чиқишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Шу маънода, бугунги йиғилишимиз "Транспорт, ўзаро боғлиқлик ва иқлим ҳаракати орқали барқарор келажакни бунёд этиш" шиори остида ўтаётгани долзарб аҳамиятга эга"*, деди Президентимиз ўз нутқида.

Юртбошимиз тарихи, тили ва маданияти муштарак бўлган қардош халқлар ҳамда давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни юксак поғонага олиб чиқиш зарур эканини қайд этди. Дарҳақиқат, туркий халқлар ўзларининг муштарак тарихи, илмий ва бадиий мероси билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Биргина Алишер Навоий феномени халқларимиз адабиёти ва маданиятининг юксак чўққисидир. ➔ 2

## «ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ҲУҚУҚИЙ КЎМАК» ҲУҚУҚИЙ АКЦИЯСИ

**2024 йилнинг 1 августидан 30 августигача "Хотин-қизларга ҳуқуқий кўмак" ҳуқуқий акцияси ўтказилади.**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ташкил этилаётган ушбу акция давомида:**

— сайёр қабуллар;
— "Адлия куни" тадбирлари;
— "Ҳуқуқий тарғибот куни" тадбири;
— меҳнат ярмаркалари;
— хотин-қизлар билан учрашувлар;
— давра суҳбатлари;
— аудиоподкастлар;
— бепул онлайн курслар;
— бепул юридик ёрдам;
— хотин-қизлар ҳуқуқларига риоя этилиши бўйича ўрганишлар;
— ҳуқуқий маслаҳатлар ўтказилиши режалаштирилган.



# ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ПОЙДЕВОРИ

1 Ушбу соҳани такомиллаштиришга қаратилган ўндан ортиқ Фармон ва қарорлар имзоланди. Айрим кодекслар ҳамда қонунлар янги таҳрирда қабул қилиниб, баъзиларига зарурий ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Аёнки, янги таҳрирда қабул қилинган Конституциямиз суд-ҳуқуқ тизимини тартибга солувчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Суд ҳокимияти мустақиллиги, у фақат қонунга бўйсуниши ҳамда судьяларнинг дахлсизлиги кафолатлари таъминланиши суд тизими фаолияти самарали ишлашининг гаровидир. Истиқлол йилларида суд ҳокимияти мустақиллиги янада кучайтирилди, уларнинг фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш учун кўплаб чора-тадбирлар олиб борилди.

Суд-ҳуқуқ тизимининг очиқлиги ва ҳисобдорлигини таъминлаш аҳолининг одил судловга эришиш имкониятларини янада кучайтиришнинг муҳим омилидир. Судлар тўғрисидаги ахборотни аҳолига етказиш "Судлар тўғрисида"ги Қонун билан белгилаб қўйилди. Унга кўра судлар ўз фаолияти, қарорлари ва тартиблари тўғрисида жамоатчиликка маълумот тақдим этиши, фуқароларнинг одил судловдан фойдаланиши ва ҳуқуқ тизимининг ишлаши ҳақида хабардор бўлишини таъминлаши зарурлиги белгиланди.

Юртимизда инсон қадри азиз. Ҳар бир фуқаро хоҳиш-иродасини амалга ошириши, салоҳиятини рўёбга чиқариши, келажагини ўзи танлаш ва қуриш имкониятига эга.

Бугун тараққиётнинг янги босқичида Ўзбекистон фаровонлик ва адолат йўлида салмоқли ютуқларга эришди, деб ишонч билан айтамиз. Бунда, албатта, меҳнаткаш ва олийжаноб халқимизнинг ҳиссаси беқиёс. Зеро, инсон чин маънода қадр топган, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш, адолат ва қонун устуворлиги, хавфсизлик ва барқарорликка эришиш, қудратли янги Ўзбекистонни барпо этиш ҳар биримизнинг асосий мақсадимиздир.

**Наримон УМАРОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси.**

# ИШЛАГАН ҲАР БИР АЁЛГА «ДЕКРЕТ» ПУЛИ БЕРИЛАДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг шу йил 30 июль куни бўлиб ўтган мажлисида "Давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди. Хўш, ушбу ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқишга нега зарурат туғилди? Унда қандай янги нормалар белгиланмоқда?*

*Айтиш керакки, қонун лойиҳасида давлат ижтимоий суғуртаси тизими ва давлат ижтимоий суғуртаси тўловларини тўлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи нормалар ўрин олмоқда.*

### Фикр

Жумладан, инсон ҳаёти ва фаолияти давомида вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганида (ўзи ёки фарзанди касал бўлганида, қисқа даволанишда, туғуруқ даврида) ёки ишсиз қолганида уни ижтимоий қўллаб-қувватлаш назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга, тадбиркорларнинг ижтимоий таъминот тўловларига оид ортиқча юкламадан озод қилиниши назарда тутиляпти. Чунки бугунги кунда ходимлар вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганида ёки ишсиз қолганида ижтимоий қўллаб-қувватлашда қатор муаммоларга дуч келмоқда. Хусусан, "декрет" пули ва вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик (касаллик) нафақалари иш берувчилар учун ортиқча молиявий юклама бўлгани сабабли ушбу нафақаларни хусусий секторда тўламаслик ёки ортиқча тўловлардан қочиш мақсадида иш берувчилар томонидан аёлларни, айниқса, ҳомиладорларни ишга олмаслик ёки ишдан бўшатиш ҳолатлари учраб турибди. Ўрганишлар натижасида 25 та хусусий корхонадан 12 тасида касаллик нафақаси, 15 тасида "декрет" пули ёки касаллик нафақаси умуман тўланмагани аниқланган.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 25 июндаги "Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ 2023 йилдан бошлаб Ижтимоий суғурта жамғармаси ташкил этилиб, хусусий секторда ишловчиларга "декрет" пулининг минимал 2,5 млн. сўмгача миқдори қоплаб берилаётганига қарамасдан, нафақанинг қолган қисми иш берувчи зиммасида қолиб, мазкур тизим тадбиркорлар учун молиявий масалалар келтириб чиқармоқда.

Масалан, ҳозирда республика бўйича ўртача иш ҳақи 4,9 млн. сўмни ташкил қилса, ўрта ҳисобда "декрет" пули 19,6 млн. сўм бўлади. Ижтимоий суғурта жамғармасидан 2,5 млн. сўм тўланса, қолган 17 млн. сўми иш берувчи томонидан тўланишига тўғри келмоқда.

Рақамларга эътибор қаратсак, биргина ўтган йилда туғилишлар сони 962 минг бўлса-да, 168 минг "декрет" варақаси (17 фоиз) очилган, шундан Ижтимоий суғурта жамғармаси ҳисобидан атиги 16 минг (10 фоиз) аёлга "декрет" пули қоплаб берилган холос.

Яна бир масала, Меҳнат кодексига асосан меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинганда, иш берувчи томонидан иш ҳақининг 1 баравари миқдорида ишдан бўшатиш нафақаси тўланиши керак. Молиявий инқирозга учраган корхоналар ишдан бўшатиш нафақасини тўлолмаслиги оқибатида ходимлар бошқа иш топгунига қадар даромадсиз қолмоқда. Жумладан, 2023 йилда 33,9 минг корхона ва ташкилотлар тугатилган бўлиб, улардаги 125 минг ходим ишдан бўшатилган. Ва уларнинг кўпчилик қисмига ишдан бўшатиш нафақаси тўланмаган.

Мазкур қонун лойиҳаси билан юқоридаги масалаларнинг ечимига қаратилган Ижтимоий суғурта жамғармаси томонидан аҳолини суғурталаш тизими жорий этилиши белгиланаётгани диққатга сазовор. Бу орқали инсон ҳаёти ва фаолияти давомида вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганида (ўзи ёки фарзанди касал бўлганида, қисқа даволанишда, туғуруқ даврида) ёки ишсиз қолганида Ижтимоий суғурта жамғармаси ҳисобидан қўллаб-қувватланади.

Бу қандай амалга оширилади? Қонун лойиҳаси билан мазкур жараён уч босқичда амалга оширилиши белгилаб қўйилмоқда.

Биринчи босқичда 2025 йил 1 июлдан бошлаб барча суғурталанган аёлларга, уларнинг бандлик ва меҳнат фаолияти тури, суғурталаш манбасидан қатъи назар, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси тўлаб берилади.

Иккинчи босқичда 2026 йил 1 январдан барча суғурталанган жисмоний шахсларга, уларнинг бандлик ва меҳнат фаолияти тури, суғурталаш манбасидан қатъи назар, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўлаб берилади.

Учинчи босқичда эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига асосан суғурталанган шахсларга ишсизлик нафақаси ва бошқа турдаги тўловлар жорий этилиши кўзда тутилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши, фаолият туридан қатъи назар, ишлаётган ходимларга вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси ҳамда ишдан бўшатиш нафақаси тўлиқ тўланиши, ижтимоий фаол аҳолининг камбағал оилалар тоифасига тушиб қолишининг олдини олишга, тадбиркорларни ижтимоий таъминот тўловларига оид ортиқча юкламадан озод этишга хизмат қилади.

**Мавлуда ХЎЖАЕВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси.**

## Қонунчилик палатаси қўмитасида

# КОНСУЛЛИК УСТАВИНИНГ ИЖРО ЭТИЛИШ ҲОЛАТИ ҚАЙ ДАРАЖАДА?



*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси томонидан "Ўзбекистон Республикасининг Консуллик уставини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қонуннинг Ташқи ишлар вазирлиги тизимида ижро этилиши ҳолатини назорат-таҳлил тартибида ўрганиш якунларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.*

Унда Ўзбекистон Республикаси дипломатик консуллик муассасаларининг хорижий мамлакатлардаги фуқароларга ҳамда юридик шахсларга консуллик хизматларини кўрсатиш, жумладан, визаларни расмийлаштириш, ушлаб турилган, қамоққа олинган, маъмурий қамоққа олинган ва озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ёхуд бедарак йўқолган фуқароларга ҳамда одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва кўмаклашиш билан боғлиқ функцияларини амалга ошириш бўйича олиб борилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Маълум қилинганидек, жорий йилнинг ўтган даврида Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги дипломатик ҳамда консуллик муассасалари томонидан 192 533 та мурожаат қабул қилинган ва ўрнатилган тартибда кўриб чиқилган. Мурожаатлардаги масалалар юзасидан эса ваколат доирасида 130 807 та консуллик ҳаракати амалга оширилган.

Шунингдек, жорий йил давомида консулликлар рўйхатида доимий ҳамда вақтинча турган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг 2 434 нафарига фуқаролик ҳолати масалалари, 13 491 нафарига хорижга чиқиш биометрик паспортларини ва 21 464 нафар ватандошга Ўзбекистонга қайтиш гувоҳномаларини расмийлаштириш бўйича ҳуқуқий ва консуллик хизматлари кўрсатилган.

Бундан ташқари, хорижий мамлакатлардаги Ўзбекистон фуқаролари билан биргаликда 735 та турли маданий-маърифий ва 696 та ватанпарварликка оид тадбир, 352 та сайёр қабул ташкил этилган.

Мунозаралар давомида депутатлар мазкур Қонун ижросини таъминлаш бўйича вазирлик томонидан амалга оширилган ишлар билан бир қаторда, эътибор қаратилиши зарур бўлган айрим масалалар ҳам борлигини қайд этди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги консуллик муассасалари ва дипломатик ваколатхоналари томонидан мутасадди вазирлик ва идораларга юборилаётган хизмат ёзишмаларини ҳамда маълумотларни олишда юзага келаётган ноқулайликлар, жумладан, мурожаатлар бўйича керакли маълумотларнинг белгиланган муддатлардан кечикиб етиб келиш ҳолатлари мавжудлиги таъкидланди.

Қизғин муҳокама давомида депутатлар шу ва бошқа масалаларга эътибор қаратиб, Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги дипломатик ва консуллик муассасалари ҳамда консуллик округлари қайдида вақтинча турган фуқароларни ушбу давлатнинг қонунлари, бошқа норматив ҳужжатлари, маҳаллий урф-одатлари тўғрисида сафар олдидан хабардор қилиб бориш бўйича қатор таклиф ва тавсиялар берди.

Йиғилиш якунида муҳокама этилган масалалар юзасидан келгусида парламент ҳамда вазирлик ва идоралар томонидан амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар белгилаб олинди.

# ХОРИЖДАГИ ФУҚАРОЛАРНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

*Айни пайтда Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига қўшимчалар ва ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрланмоқда.*

Ушбу қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига хорижий давлатлар судларининг қарорларини тан олиш ва ижро этиш, жазо белгилаш ҳамда маҳкумларни топшириш ва уларни қабул қилиш асослари, суд жараёни иштирокчиларининг процессуал мақомини назарда тутувчи тегишли қўшимчалар ва ўзгартириш киритилмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши хориждаги фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини янада самарали ҳимоя қилиш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига зиён етказилишининг олдини олиш, мамлакатимизнинг халқаро рейтинглардаги мавқеини янада оширишга хизмат қилади.

Масъул қўмитада қонун лойиҳасини такомиллаштириш ишлари давом этмоқда.

# ИПОТЕКА КРЕДИТИ БЕРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ БОЗОР ТИЗИМИ ШАКЛЛАНТИРИЛАДИ

*Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси томонидан "Ипотека кредити бозорининг ривожлантирилиши ва кенгайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган ишчи гуруҳ йиғилиши ўтказилди.*

Мазкур қонун лойиҳаси билан "Ипотека тўғрисида"ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали гаров хатини расмийлаштириш, рўйхатдан ўтказиш, унинг айланмаси тартиби ва тегишли равишда ипотекани қайта молиялаш жараёни соддалаштирилмоқда.

Шунингдек, гаров хатини онлайн тартибда ёки давлат хизматлари марказларига бориш орқали расмийлаштириш белгиланаётир. Қолаверса, электрон гаров хатининг концепцияси жорий этиляпти. Бу эса харажатларни камайтириш ва вақтни тежаш имконини беради.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ипотека гаров хатлари айланмасини янада ривожлантириш, аҳолига берилган ипотека кредитларини қайта молиялаштириш учун янги имкониятлар яратиш, ипотека кредитини беришнинг замонавий бозор тизимини шакллантиришга хизмат қилади.

Мазкур қонун лойиҳаси масъул қўмита томонидан Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартибига иккинчи ўқишга киритиш учун тайёрланмоқда.

**«Халқ сўзи».**

# БАРҚАРОР КЕЛАЖАККА МУШТАРАК ЁНДАШУВЛАР

1 Бугунги кунга келиб эса улуғ бобомиз номи берилган университетимиз томонидан қардош туркийларни бирлаштириш ва маданиятларини яқинлаштириш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 8 февраль куни Туркиянинг қадим пойтахти Бурса шаҳрида жойлашган Улудағ университетида Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва маданияти маркази очилди. Шу йилнинг ўзида Озарбайжон ва Қозоғистонда ҳам ана шундай марказларни очиш режалаштирилмоқда. Ҳаммуаллифликда ўзбек — озар адабий алоқалари ҳақида китоблар ёзилди. Икки халқ мутафаккир шоирлари, мумтоз ва замонавий адабиёт намояндаларининг таваллуд кунлари муносабати билан мунтазам равишда қўшма маърифий тадбирлар ўтказиш анъанага айланди. Мажозий маънода айтганда, Алишер Навоий икки юрт маданиятини "яккалам" қилди.

Қирғиз Республикаси билан ҳам ҳамкорлик масалалари ҳар қачонгидан қизғин тус олган. 2023 йилда Ўш шаҳрида Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва маданияти маркази очилгани, биргина олийгоҳимиз томонидан Қирғизистоннинг саккизта университети билан ҳамкорлик қилинаётгани илмий, маданий алоқаларимиз тобора ривожланаётганидан далолат. Олимларимиз мунтазам равишда ҳамкасблари билан ўзаро мулоқот қилиб, ҳамкорликда ташкил этилаётган илмий анжуманларда олий таълим соҳасидаги замонавий тенденциялар, методик усуллар, муаммо ва ечимлар ҳақида маърузалар қилишмоқда. Бу ишларнинг барчаси туркий халқлар умумий тараққиёти ва фаровонлиги сари муштарак интилишларимизнинг яққол тимсоли, десак, муболаға эмас.

Шак-шубҳасиз, Туркий давлатлар ташкилоти кўзлаган эзгу мақсадларга эришишда бу давлатларда яшайдиган халқларнинг роли ва ўрнини ошириш объектив заруратга айланмоқда. Зотан, биз қардош халқлар туркий давлатлар ўзаро ҳамкорлигининг асосий драйвери саналамиз. Зеро, биз кўзлаган мақсадлар эзгу, тарихимиз ва келажагимиз муштарак. Шундай экан, 2022 йил ноябрда бўлиб ўтган Самарқанд саммитида, шунингдек, Шушада эришилган тарихий келишувларни ҳаётга жорий этиш ва унга оғишмасдан риоя қилиш асосий мақсадимиз бўлмоғи шарт.

Ишонч билан айта оламизки, туркий давлатлар раҳбарларининг Шушада бўлиб ўтган саммити маданий-гуманитар, иқтисодий-сиёсий, логистика ва хавфсизлик соҳаларида халқаро ҳамкорликнинг янги йўналишлари ҳамда механизмларини очиб бериши билан алоқаларни янги босқичга кўтарди. Саммит бутун туркий дунёни бирлаштириш, давлатлар ўртасидаги сиёсий-иқтисодий интеграциялашувда муҳим бурилиш бўлади. Туркий давлатлар раҳбарларининг дипломатияси туфайли мазкур ташкилот изчил равишда конструктив ҳамкорлик, ўзаро ишонч ва дўстлик тимсоли сифатида муваффақиятли дипломатик майдонга айланиб бормоқда. Шу сабабли ўзаро ишонч ва мустаҳкам дўстликка асосланган ҳамкорлик туркий давлатларнинг янада юксалишида ҳал қилувчи ўрин тутади.

**Шуҳрат СИРОЖИДДИНОВ,**
**Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори, академик.**

## ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАФСИЛОТЛАР

### «E-9 Pay» компанияси билан ҳамкорлик меморандуми имзоланди



*Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ва Корея Республикасининг "E-9 Pay" компанияси раҳбарияти ўртасида учрашув ўтказилди.*

Унда келгусида Кореяга ишлаш учун бораётган фуқароларимиз иш ҳақини "E-9 Pay" компанияси орқали хавфсиз ва қулай тарзда юборишида ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Юртдошларимиз қийин вазиятда қолганда таржимонлик хизматини бепул амалга ошириш ва пул маблағларини юборишда компания банк хизматларини арзонлаштирилган ҳолда кўрсатиши маълум қилинди.

### Тинчлик ва дўстлик тараннуми

*Нукус шаҳрида "Халқлар дўстлиги куни"га бағишланган "Дўстлик" фестивали доирасида Қозоғистон, Қирғиз Республикаси, Тожикистон, Озарбайжон, Ўзбекистон Республикаларининг таниқли санъаткорлари иштирокида гала-концерт дастури бўлиб ўтди.*

Унда турли миллат вакилларининг Ватан, тинчлик ва дўстликни тараннум этувчи куй-қўшиқлари тадбир қатнашчиларида катта таассурот қолдирди. Байрам тадбирлари Нукус шаҳри марказидаги "Дўстлик" канали бўйида халқ сайиллари, миллий маданий марказлар томонидан тайёрланган таомлар, рассомлар ва ҳунармандларнинг кўргазмалари билан давом этди.

### Ҳоким ва ёшлар учрашуви



*Фарғона шаҳридаги Ислом Каримов номидаги вилоят театр-концерт саройида вилоят ҳокими Хайрулло Бозоровнинг ёшлар билан юзма-юз мулоқоти бўлиб ўтди.*

Учрашувда шаҳар ва туманлардан келган 200 нафардан зиёд баркамол авлод вакиллари — талабалар, спортчилар, ёш тадбиркорлар ҳамда ёшлар етакчилари ва фаоллар қатнашди.

Йигит-қизлар вилоят ҳокимига кўплаб саволлар билан юзланишди. Шу тариқа "Заковат" интеллектуал ўйинларини ўтказиб бориш учун доимий бино билан таъминлаш, Сўх туманида маданият маркази бунёд этиш, маҳалла ёшларини касб-ҳунарга бепул ўқитиш, ёш тадбиркорларга кредит ажратиш каби кўплаб масалаларга ижобий ечим топилди.

**«Халқ сўзи».**

# УЧТА САМАРАДОР ЛОЙИҲА ШАРОФАТИ



1 — Натижада қурилиш ва бунёдкорлик ишларини белгиланган графикдан оғишмай амалга ошириш имконияти яратилди.

Умумий қиймати 1,7 млрд. АҚШ долларидан ортиқ мазкур учта лойиҳанинг қурилиши муддатидан аввал якунланиб, 2019 йилнинг 28 декабрида поливинилхлорид комплексининг ишга туширилиши нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиё минтақаси кимё саноатида янги даврни бошлаб берди.

Ишга туширилган янги технологиялар қисқа фурсатда тўла қувватда фаолият кўрсатиб, йилига 100 минг тонна поливинилхлорид, 75 минг тонна каустик сода, 300 минг тонна метанол каби асосий ва ўнлаб турдаги ёндош маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Барча турдаги маҳсулотлар Европа стандартларига тўлиқ жавоб беради. Натижада Австрия, Венгрияга, шунингдек, МДҲ ва Осиё мамлакатларига маҳсулот экспорти ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда.

— Қувонарлиси, ушбу инвестициявий лойиҳалар самараси ўлароқ 1965 йилдан буён фойдаланиб келинаётган азот кислотаси ишлаб чиқаришнинг 1 ва 2-навбатлари эксплуатациядан олинди, — дейди "Навоийазот" марказий лабораторияси бошлиғининг назорат бўйича ўринбосари Саодат Ҳақбердиева. — Янги қувватлардаги дастгоҳлар Италия, Дания, Швейцария, Япония, Хитой ва бошқа бир қатор илғор мамлакатларда тайёрланган бўлиб, атроф-муҳитга ташланаётган зарарли чиқиндилар ва моддаларни қатъий назорат қилади, меъёрдан ортиқча зарар учун огоҳлантириш сигналини беради.

Бу каби замонавий ва жаҳон стандартлари асосида ишлайдиган технологиялар навоийлик кимёгарларга маҳсулот ҳажмини ошириш, таннархини пасайтириш, рақобатбардошлигини таъминлашда қўл келмоқда. Муҳими, дунёда кимёвий бирикмаларга талаб муттасил ошиб бораётган шароитда бу янгиланишлар мамлакатимиз кимё саноатининг ташқи бозордаги мавқеини янада мустаҳкамлаётир.

**Темур ЭШБОЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

**Умумий ўрта таълим муассасаларида фаолият юритаётган хорижий тил ўқитувчилари камида «B2» даражадаги миллий ёки халқаро сертификатга эга бўлиши талаби 2025/2026 ўқув йилига қадар узайтирилмоқда.**

# ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТДА АҲОЛИ ФАРОВОН ЯШАЙДИ



1 Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 1 июнда имзоланган Фармони асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, шунингдек, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳамда туман (шаҳар)ларда "Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари ташкил этилгани тизимда амалга оширилаётган ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, соҳадаги натижадорлик, аввало, ижтимоий хизмат ва ёрдам маҳалла даражасида ташкил этилаётганида намоён бўлмоқда. Масалан, кам таъминланган оилалар манзилли ўрганилгани ҳамда тизим шаффоф қилингани натижасида доимий даромадга эга, боқиманда кайфиятда қолиб кетган оилалар бундай тоифадан чиқарилди. Аксинча, ўзгалар парваришига муҳтож, ёлғиз яшаётган кишиларга ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини аниқлаш тартиби ва улар билан ишлаш тизими ўзгарди. Эътиборлиси, муҳтожларнинг ҳар бири бўйича индивидуал ижтимоий хизматлар дастури ишлаб чиқилиб, бу борада ягона саволнома жорий қилинди. Хонадонга "маҳалла еттилиги"нинг қайси вакили киришидан қатъи назар, оиладаги муаммо ва имкониятлар аниқланиб, "ижтимоий портрети" чизилмоқда. Ёрдамдан сўнг хонадонда нима ўзгаргани мониторинг қилиниб борилаётгани эса натижалар сарҳисобини таъминлаётир.

Яна бир муҳим жиҳати — маҳалладаги барча ижтимоий хизматларни босқичма-босқич ижтимоий хизмат кўрсатиш шартномаси орқали тақдим этиш йўлга қўйилганидир. Бунда хизмат кўрсатувчи ҳам, ёрдам олувчи ҳам ўзига мажбурият олмоқда.

Нафақа олувчилар рўйхатига, биринчи навбатда, ногиронлиги бор, ота-онаси йўқ, боқувчисини йўқотган, касаллиги ва бошқа сабабга кўра узоқ муддат ишлай олмайдиганларнинг оилалари киритилгани, шунингдек, бошқа фуқароларни "ижтимоий реестр"га киритишда уларнинг фақат даромади эмас, балки харажатлари ҳам баҳоланаётгани тизим шаффофлигини, адолат тамойилларини таъминламоқда.

Ёрдамга муҳтож оилалар, аёллар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш учун республика миқёсида жорий этилган "темир дафтар", "аёллар дафтари", "ёшлар дафтари" ва "маҳаллабай" ишлаш тизими ҳам ижтимоий давлатнинг моҳиятини ва ҳаётдаги яққол ифодасини намоён этяпти.

Бир вақтлар шундай рўйхатда турган оилалар манзилли қўллаб-қувватлашлар эвазига бугунга келиб иш берувчига айланиб, ўз тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўймоқда. Ҳатто ногиронлиги бор шахслар ҳам "Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари, "маҳалла еттилиги" кўмаги билан оиласига даромад келтирадиган фаолият турларига жалб қилиняпти. Бу эса уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига, ўзидаги қобилиятни юзага чиқаришига, ҳаётга қизиқишининг ортишига хизмат қилмоқда.

## Камбағалликни қисқартириш — халқпарварлик тамойилида бош мезон

Ер юзидаги зиддиятлар, табиий офатлар, пандемия, ишсизлик ва бошқа сабаблар туфайли аҳоли орасида табақалашув кучайиб бормоқда, камбағаллик ортяпти. Шу боис камбағалликни қисқартириш масаласи барча мамлакат олдидаги энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонда камбағал аҳоли қатлами мавжуд бўлса-да, узоқ вақт бу мавзу тилга олинмай келгани ҳеч кимга сир эмас. Биз яқин-яқингача бундай тоифадаги одамларни "кам таъминланган" ибораси билан тилга олардик.

Давлатимиз раҳбари 2020 йил февралдаги парламентга Мурожаатномасида илк бор Ўзбекистон аҳолисининг камбағал қатлами ҳақида сўз юритди. Республика аҳолисининг 12 – 15 фоизи камбағал экани, уларнинг умумий сони 4,5-5 миллион нафарлигини алоҳида таъкидлади. Ушбу муаммога илғор хорижий тажриба ва янги ёндашувлар асосида ечим топиш ҳамда уларни ҳаётга изчил татбиқ этишга қаттиқ киришилди.

Хўш, мамлакатимизда камбағаллик даражаси ортишига қандай омиллар сабаб бўлди?

Асосан, қишлоқ жойларда аҳолининг етарли билим ва малакага эга эмаслиги натижасида меҳнат бозорида рақобатга дош беролмаганини таъкидлаш лозим. Бунга, шунингдек, таълим тизимидаги қолоқлик ва ҳудудларда тиббий хизмат сифатининг пастлиги ҳам таъсир қилди. Аҳолининг баъзи қатламларида боқимандалик кайфиятининг юқорилашгани, миллий урф-одатлар баҳонасида ортиқча сарф-харажатларга мойилликни ҳам келтириш мумкин. Айниқса, айрим ҳудудларда ишсизлик юқори даражага чиқди. Янги иш ўринлари ташкил этилиши фақат қоғоздагина бажарилди. Натижада одамларнинг даромади камайиб кетди, яшаш даражаси пасайди.

Ўзбекистонда камбағаллик даражаси расман эътироф этилиб, унга қарши курашиш чоралари кўрилаётган бир пайтда пандемия бошланди. Коронавирус пандемиясининг оғир асоратлари дунё давлатлари қаторида мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмади. Яшаш учун энг муҳим ресурс — моддий таъминланганлик даражаси тушиб кетди. Ишсизлар, беморлар, моддий ёрдамга муҳтожлар сони ортди.

Ана шундай оғир шароитда эҳтиёжи ўта юқори фуқароларни аниқлаб, уларни моддий қўллаб-қувватловчи дастур — "темир дафтар" тизимининг жорий этилгани вазиятни енгиллаштирди. Республика миқёсида дастлаб мазкур рўйхатга 594,3 минг оила ва уларнинг 2,5 миллион аъзоси (шундан 648 минг нафар меҳнатга лаёқатли ишсиз оила аъзолари) киритилиб, бир йил ўтмасдан 641,3 минг нафарининг (99 фоиз) бандлиги таъминланди.

Шунингдек, ўрта ва узоқ муддатларда камбағалликни қисқартиришнинг стратегик мақсадларини белгилаш мақсадида, Жаҳон банки ва БМТ Тараққиёт дастури экспертлари билан бирга 2021 — 2030 йилларга қадар Ўзбекистон Республикасида камбағалликни қисқартириш стратегияси ишлаб чиқилди.

Ишсиз аъзолари бор бўлган ҳамда ижтимоий дафтарларга киритилган оилаларга қўшимча даромад топиш имкониятини кенгайтириш учун 2021 йил 1 июлдан бошлаб деҳқончилик билан шуғулланиш учун янги ўзлаштирилган, лалми, фойдаланилмаётган ер майдонларидан 10 сотихдан 1 гектаргача ер ажратилиши йўлга қўйилди. Ажратилган ер майдонлари суғориш тизими ҳамда электр энергияси билан таъминланиши, берилган ерларни ўзлаштириш учун субсидиялар ажратилиши белгиланди. Моддий ёрдамга муҳтожлар рўйхатига киритилган фуқароларга турли грант, нафақа ва бошқа тўловлардан фойдаланиш имкониятлари оширилди.

Шунингдек, ишсиз фуқароларни 40 турдаги касб-ҳунарга бепул ўқитиш, уларни тадбиркорлик кўникмаларига ўргатиш, ташкиллаштирилган меҳнат миграцияси учун чет тилларга ўқитиш каби амалий ишлар бажарилмоқда. Бундан ташқари, эҳтиёжманд оилаларни уй-жой билан таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар кўлами ҳам кенгайтирилди. Мисол учун, биргина шу йилнинг ўтган олти ойида 18 600 та янги хонадон қурилиб, фойдаланишга топширилди. 26 мингта оилага 7 трлн. сўмга яқин ипотека кредити ажратилди. Кам даромадлиларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида бошланғич тўлов ва фоизни қоплаш учун 545 млрд. сўмлик субсидия маблағлари берилгани, айниқса, таҳсинга сазовор.

Президентимиз томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясида илгари сурилган ташаббус доирасида мамлакатимизда ўтказиб келинаётган камбағалликни қисқартириш бўйича халқаро форум бу борада янги ғоялар ва амалий чоралар ишлаб чиқиш бўйича фойдали мулоқот майдонига айланди. Ушбу платформа Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш мақсадида бошланган шиддатли ислоҳотларни янада бойитиб, катта ижобий ўзгаришларга ҳисса бўлиб қўшилди. Бунинг яққол мисоли сифатида 2022-2023 йил мобайнида юртимизда камбағаллик даражаси пасайиб, 1 миллион фуқаро камбағалликдан чиқарилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Маҳаллаларда ижтимоий хизматлар кўламини кенгайтириш орқали мамлакатимиздаги 2,3 миллиондан зиёд муҳтож оилалар, хотин-қизлар, ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар ижтимоий ҳимоя билан тўлиқ қамраб олинди.

Бундай натижаларга эришишда аҳолини замонавий касб-ҳунарларга ўқитиш, уларга муносиб иш ўринларини яратиш, тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган тизимли ва узоқни кўзлаган сиёсат ҳал қилувчи омил бўлмоқда.

> ***Президентимиз томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясида илгари сурилган ташаббус доирасида мамлакатимизда ўтказилиб келинаётган камбағалликни қисқартириш бўйича халқаро форум бу борада янги ғоялар ва амалий чоралар ишлаб чиқиш бўйича фойдали мулоқот майдонига айланди. Ушбу платформа Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш мақсадида бошланган шиддатли ислоҳотларни янада бойитиб, катта ижобий ўзгаришларга ҳисса бўлиб қўшилди. Бунинг яққол мисоли сифатида 2022-2023 йил мобайнида юртимизда камбағаллик даражаси пасайиб, 1 миллион фуқаро камбағалликдан чиқарилганини алоҳида таъкидлаш лозим.***

## Эзгу ташаббуслар самараси ва натижадорлик

Камбағалликни қисқартириш борасида бошланган кенг кўламли ишлар "инсон — жамият — давлат" тамойили асосида давом эттирилмоқда. Энг аввало, янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини оширишнинг драйвери бўлган хусусий сектор ва тадбиркорлик учун энг қулай шароитлар яратиб беріляпти.

Президентимиз раислигида жорий йилнинг 17 июль куни ҳудудлар ва тармоқларда иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича биринчи ярим йиллик таҳлили ҳамда йил якунига қадар устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида келтирилган рақамлар, белгилаб берилган вазифалар бунинг ёрқин исботидир.

Жумладан, Сайхунобод, Уйчи, Зарбдор ва Ғиждувон тажрибалари натижасида олти ойда 4 мингдан ортиқ маҳалла саноат ва қишлоқ хўжалигига ихтисослаштирилган, 1 миллион 600 минг аҳоли расмий банд бўлган, 712 мингта янги даромад солиғи тўловчи пайдо бўлган.

Жорий йил 1 декабргача Сайхунобод тажрибаси асосида 495 минг аҳолининг бандлиги таъминланади. Иккинчи ярим йилликда "Оилавий тадбиркорлик" дастури қамрови 1,5 баробар оширилиб, 4 трлн. сўм ажратилади.

Уйчи тажрибасига асосан, туман ҳокими ва банк раҳбарлари тадбиркорлар билан учрашиб, уларнинг бизнесини кенгайтиришга кўмаклашади. Бунда ҳоким ер, электр, сув, йўл ва бошқа инфратузилма масалаларини ҳал қилади, банк эса маблағ ажратади. Бу орқали йил якунигача 670 минг аҳоли бандлиги таъминланади.

Ғиждувон тажрибаси асосида йил якунига қадар мингта маҳалланинг ўзида кўп қаватли саноат бинолари ташкил қилиниши орқали 140 минг иш ўрни яратилса, Зарбдор тажрибаси асосида туманларда саноат, савдо, хизмат ва замонавий агротехнологиялар соҳасида драйвер лойиҳалар қилиниши ортидан 150 минг иш ўрни вужудга келади.

Маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш мақсадида аҳоли ўзи танлаган лойиҳаларга "очиқ бюджет" тизими орқали ажратилаётган маблағлар ҳажми кескин кўпайтирилгани турмуш фаровонлигининг ошишига хизмат қилаётир. Шу билан бирга, ушбу тажриба маҳаллаларда янгидан-янги тадбиркорлик субъектлари очилишига, иш ўринлари вужудга келишига хизмат қилмоқда. Эътиборлиси, шу йилнинг ўзида маҳаллаларни обод қилиш, боғча, мактаб, тиббиёт, йўл, сув, электр каби инфратузилмани яхшилаш учун бюджетдан 31,5 трлн. сўм ажратилгани, бунга қўшимча яна 1,5 трлн. сўм берилиши эътиборга молик.

Ишсизликдан ҳимояланиш, кафолатланган сифатли таълим бериш, малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бўлган шахсларни, мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлатимизнинг доимий диққат марказида.

## Ҳаётда ўз ифодасини топаётган амалий саъй-ҳаракатлар

Ижтимоий ҳимоя соҳаси ҳақида гапирганда, пенсионерларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ислоҳотларни таъкидлаб ўтиш жоиз. Бунда, айниқса, пенсия тизими такомиллаштирилиб, рақамлаштирилаётгани, пенсия миқдори мунтазам ошириб борилаётгани эътиборга молик. Зеро, ислоҳотларимиз бош мақсади халқимиз манфаатларини кафолатлаш.

Шу нуқтаи назардан, кекса, боқувчисини йўқотган ва меҳнатга лаёқатсиз аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш тизими босқичма-босқич ислоҳ қилиниб, фуқароларга пенсия тайинлаш юзасидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада яхшилаш ҳамда ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш борасида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, фуқароларга тўланадиган тўрт турдаги ижтимоий тўловларни уларнинг мурожаатисиз проактив шаклда, икки турдаги ижтимоий тўловларни композит шаклда ҳамда яна тўрт турдаги ижтимоий тўловларни қўшимча ҳужжатлар талаб қилмаган ҳолда биргина паспорт асосида тайинлаш амалиёти жорий этилди.

Аҳолига пенсия тайинлаш тизимига замонавий ахборот технологияларини фаол татбиқ қилган ҳолда давлат томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифати оширилди. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 31 октябрдаги "Аҳолига пенсия тайинлаш бўйича кўрсатиладиган давлат хизматлари сифатини янада оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан пенсия тайинлашда давлат хизматлари сифати кучайтирилди. 2022 йил 1 июнга қадар пенсия тайинлаш учун фуқаролардан 14 та ташкилотдан 30 дан ортиқ турдаги ҳужжатлар талаб қилиниб, уларни йиғишга 6 ойгача вақт сарфланган бўлса, бугунги кунда маълумотлари электрон базада мавжуд бўлган фуқаролар пенсия тайинланиши учун фақат паспорт тақдим этиш билан кифояланмоқда.

Маълумки, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларига ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, муомалага лаёқатсиз ва лаёқати чекланган фуқаролар, ижтимоий аҳамиятга молик касалликларга чалинган шахслар, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар киради.

Ўзбекистон 2021 йилда БМТнинг Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясига қўшилган. Ушбу конвенция талаблари янги таҳрирдаги Конституцияда ўз аксини топиб, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифаларининг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги белгиланди. Бунинг амалдаги тасдиғи эса ҳаётда ўз ифодасини топмоқда. Жумладан, ногиронлиги бор шахсларни ишга олган корхона ва ташкилотлар учун бир қатор имтиёзлар берилган.

Аҳамиятли жиҳати, ногиронлиги бўлган шахсларни ўқитиш, ишга жойлаш ва спортга жалб қилиш бўйича миллий тизим яратилди. Бундай шахсларга ишлаш ва касб-ҳунарга ўқишда тўсиқсиз муҳит яратиш учун уларнинг "меҳнатга лаёқатини белгилаш" амалиётидан воз кечилиб, ногиронлик касалликка қараб эмас, балки шахснинг мустақил ҳаракати, мулоқот қобилияти ва ижтимоий ҳаётдаги иштирокига қараб белгиланмоқда.

Туман марказий шифохоналарида тиббий реабилитация хоналари ташкил этилган бўлиб, протез воситалари 18 турдан 30 турга кўпайтирилди, ажратилаётган маблағ эса 1,5 баробар оширилди. Таъминлаш жараёни электрон шаклга ўтказилди. Бундай воситаларни ҳозир уйдан туриб, ваучер орқали онлайн ёки "Инсон" маркази ёрдамида исталган ишлаб чиқарувчидан олиш мумкин.

Мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя тизимининг такомиллашуви нафақат эҳтиёжманд оилалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга ёрдам кўрсатиш, уларнинг турмуш даражасини кўтаришга, балки аҳоли ўртасида камбағалликни қисқартириб, фаровонликни оширишга, қисқача айтганда, инсон қадрини улуғлашга хизмат қилмоқда.

**Маҳмуджон БОЛТАБОЕВ,**
**Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари маркази директори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.**

# ЭПЛАГАН — МИЛЛИОН ТОПАР

*Сурхондарё вилоятида тадбиркорликни ривожлантиришга, томорқадан унумли фойдаланиб, оиласи фаровонлиги, бозорлар тўкинлигига муносиб ҳисса қўшаётган одамлар кўпаймоқда.*

### Меҳнат ва роҳат

Бунга бир мисол. Шўрчи туманидаги Совжиронбобо маҳалласи ҳудудида брусчатка, туникафон, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган ёғоч идишлар ишлаб чиқарилиши ҳамда иссиқхона, чорвачилик, паррандачилик фаолиятлари йўлга қўйилиши ҳисобига юзга яқин иш ўринлари яратилган.

— Маҳалламизда 671 хонадон бор, — дейди туман ҳокимининг "Совжиронбобо" МФЙдаги ёрдамчиси Муҳиддин Холиқулов. — Ушбу хонадонларни йил бошида бирма-бир хатлов қилдик. Уларда аниқланган 98 нафар ишсизлар рўйхати шакллантирилиб, чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Президентимизнинг 2023 йил 14 сентябрда қабул қилинган "Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори доирасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган фуқароларга 100 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди. Янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектларида беш нафардан ўн нафаргача фуқаролар ишга жойлаштирилди.

Шу маҳаллада яшовчи Гулсоат Кунарова бошланғич синф ўқитувчиси бўлса-да, бўш вақтини даромадли ишга йўналтирган. Мўъжаз уй цехида меҳнат қилиб, шунинг ортидан рўзғорини бутлаб, фарзандларини ўқитмоқда, шинам уй-жойлар қуряпти. Эътиборлиси, ўнлаб хонадонларга ҳам барака киришига ҳисса қўшаётир.

— Дастлаб оила аъзоларимиз билан ишни бошлаганимизда бир кунда 100 — 150 та ёғоч идиш тайёрлардик, — дейди Гулсоат Кунарова. — Мижозларимиз кўпайгани сари фаолиятимизни кенгайтириш истаги туғилди. Маҳалламиздаги ҳоким ёрдамчисининг кўмаги билан имтиёзли кредит олиб, ишлаб чиқариш ҳажмини оширдик. Уй цехимизда 10 та доимий иш ўрни яратилган. Мавсумий 30 нафаргача хотин-қизни иш билан таъминлаймиз. Иш енгил, оғир меҳнат талаб этмайди. Идиш тўрт босқичда ёғочларни мих билан бириктириш орқали тайёр ҳолга келади. Аёллар бемалол уддалай олади. Бир дона маҳсулот тайёрлашда 8 минг сўм сарфласак, мижозларга уларни 12 минг сўмдан сотамиз.



Камбағалликни қисқартириш, ижтимоий ёрдамга муҳтож оилалар, аёллар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш учун республика миқёсида жорий этилган "темир дафтар", "аёллар дафтари", "ёшлар дафтари" ва "маҳаллабай" ишлаш тизими бугунги кунда ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Бунинг исботини илгари шундай рўйхатда турувчи оилалар манзилли қўллаб-қувватлаш эвазига бугун иш берувчига айланиб, ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйгани мисолида кўришимиз мумкин.

Деновлик Азиза Бойназарова 2022 йилда "ёшлар дафтари"га киритилган эди. Бугунги кунда берилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, Истиқлол юлдузи маҳалласида тикувчилик ўқув курсини ташкил этди. Унда "аёллар дафтари" рўйхатида турувчи хотин-қизлар ўқиб, тикувчилик касбини ўрганишмоқда.

— Маҳалламиз ёшлар етакчиси томонидан "ёшлар дафтари" рўйхатига киритилганимдан сўнг мономарказда тикувчилик йўналиши бўйича бепул ҳунар ўргандим, — дейди Азиза Бойназарова. — Кейин субсидия асосида маҳалла томонидан тикув дастгоҳлари берилди. Мижозлар кўпайиб, даромадим ортгач, ўзимда ҳам тикувчилик ўқув курсини ташкил этиш истаги пайдо бўлди. Маҳалламиздаги ҳоким ёрдамчисига мурожаат қилгандим, молиявий кўмак берилди, жой ҳам ажратилди. "Аёллар дафтари" рўйхатида турувчи хотин-қизлар учун ҳунар ўрганиш бепул. Уч курс шогирдларим ўқишни тамомлади. Ёшлар етакчиси махсус сертификат билан тикув машиналари бермоқда ва уларнинг аксарияти ўз уйида мустақил фаолият юрита бошлади.

Эплаган — миллион топар, эплаган — баҳона. Қувонарлиси, сурхондарёликлар миллион топишни афзал билмоқда.

**Фарҳод ЭСОНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# «ДИНАМО» МИНСК — «ПАХТАКОР» ТОШКЕНТ

## ёки 45 йилдан сўнг ўтказилаётган ўйин

*11 август куни Днепродзержинск осмонида иккита Ту-134 самолёти тўқнашиб кетиши натижасида бортдаги барча 178 йўловчи, жумладан, Минскда "Динамо" жамоаси билан футбол бўйича собиқ иттифоқ чемпионатининг навбатдаги тур ўйинини ўтказиш учун бораётган Тошкентнинг "Пахтакор" футбол клубининг 17 нафар футболчиси ҳамда мураббийлар штаби аъзолари вафот этган авиаҳалокатга 45 йил тўлади.*

### Биз ва жаҳон

1979 йил 11 август куни содир бўлган мазкур мудҳиш авиаҳалокат оқибатида Равил Агишев, Михаил Ан, Олим Аширов, Сирожиддин Бозоров, Константин Баканов, Юрий Загуменних, Шуҳрат Эшбўтаев, Александр Корчёнов, Николай Куликов, Владимир Макаров, Сергей Покатилов, Владимир Фёдоров, Владимир Собиров, Виктор Чуркин, Идгай Тазетдинов, Мансур Толибжонов, Владимир Чумаков ҳалок бўлди.

Беларусь футбол федерацияси портали маълумотига кўра, 45 йилдан кейин Минскда "ўтказилмаган ўйин" давом этади. 2024 йилнинг 11 август куни "Динамо-Юни" стадионида "Пахтакор" фахрийлари, жумладан, 1979 йилги таркиб билан Беларусь пойтахтига учмаган футболчилар ва "Динамо" Минск фахрийлари ўртасида ўртоқлик ўйини ташкил қилинади.

Ўша давр муҳитини яратиш учун ташкилотчилар ҳар икки жамоа футболчилари ва ўйинни бошқариб борадиган ҳакамлар учун ретро либосларни тақдим этишни режалаштирмоқда.

Тадбир доирасида "Пахтакор" футбол клуби фахрийлари билан телекўприк уюштириш ва клублар раҳбарларининг чиқишлари режалаштирилган.

Ўзбекистон ва Беларусь Президентлари кўмагида бўлиб ўтадиган ўртоқлик ўйини "Хотира учрашуви — Тинчлик ўйини" бош ғояси остида ташкил этилади.

Учрашувда "Пахтакор" жамоаси фахрийларидан Аҳмад Убайдуллаев, Рустам Мирсодиқов, Геннадий Денисов, Марат Кабаев, Игорь Шквирин, Фарҳод Магомедов, Анатолий Соловьёв, Александр Журавлев, Эркин Воҳидов, Игорь Поваляев, Ринат Файрузов, Олег Синелобов, Олег Сабиров қатнашади.

Минскнинг "Динамо" клуби шарафини эса 1979 йилги таркиб аъзолари — Эдуард Малофеев, Вениамин Арзамасцев, Анатолий Байдачний, Сергей Боровский, Игорь Гуринович, Юрий Трухан, Игорь Белов, Юрий Курбико, Виктор Шишкин, Валерий Шавейко, Владимир Курнев, Георгий Кондратьев, Валерий Мельников, Александр Алексейчиков, Леонид Василевский, Анатолий Усенко ҳимоя қилади.

**«Дунё» АА.**
Минск

Деҳлида Бобурийлар сулоласи тарихига бағишланган Бутунжаҳон мероси музейи ташкил этилди.



# ТОК ОСТИГА КЎМИЛГАН ХАЗИНА

*Усмонхон ота Ориповнинг Пискент тумани Мингтепа маҳалласидаги томорқасига борсангиз, ақлингиз шошади. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, 30 сотих жойда осмон кўринмайди. Тепага қарасангиз, ғуж-ғуж ҳосил, қоп-қора "Наманган чиллакиси" навли узум ширага инган. У томонда "Ризамат ота" навли узум мўллигидан ток навдасини букиб турибди. Гўё осмондан барака ёғилиб тушгандек. Бу ҳақиқий мўъжизанинг ўзи. Уни боғбон ўз қўллари билан яратган. Меҳнаткаш бу инсонни томорқачиликнинг "профессори" десак бўлади. Чунки у токнинг нима деяётганини, нима сўраётганини ёки қаери "оғриётганини" худди олимлардек билади. Бу тажриба унга отамерос.*

## Томорқачилик



— "Осмондан барака ёғилиб турибди", деб роса гапнинг кифтини келтирдингиз, — дейди мийиғида кулиб Усмонхон ота Орипов. — Аммо ток қанча осмонга кўтарилмасин, томири она заминда. Кучни ердан оляпти. Аслида олтинга тенг тупроғимизнинг ўзи мўъжиза. У билан тиллаша олсангиз, хазинасини очади. Худди у қўлларида сизга ризқ узатиб тургандек кўринади. Шунинг учун ҳам заминимизни Она Ер, деб суямиз.

Отам раҳматли ўлими олдидан етти синглингни сенга топшириб кетяпман, деб қўллари билан токзорларга ишора қилган эди. Мен ўшанда тушунмаган эканман. Билсангиз, етти синглимни шу томорқада меҳнат қилиб, кам-кўстсиз узатдим. Бирортаси ўксигани йўқ. Шу меҳнат орқали халқимиз дастурхонига файз кирди, бозорларимиз тўкинлиги таъминланди. Шундан бўлса керак, ери қаровсиз қолган кишиларни кўрсам, аяб ўтирмайман. Қаттиқ гапираман. "Бу ўзимнинг ерим, истасам, экаман, истамасам йўқ", дейишади баъзилари. Тўғри, ер сеники, лекин унда кўпчиликнинг ризқи бор, бу ризқни барбод қилишга сенинг ҳаққинг йўқ, дейман.

Боғбоннинг айтишига кўра 30 сотихни эгаллаган 500 тупдан зиёд ҳосилли токи бор. "Наманган чиллакиси" эртапишар. 170 туп шу навдаги узум шираси тилни ёради. Пешмапеш Тошкент шаҳридаги бозорларга олиб чиқиб сотишмоқда. Ундан кейин "Победа" ва "Ризамат ота" навли узумлар етилади. Ҳаммаси бозорда харидоргир. Отахон бир мавсумда камида 100 млн. сўм даромад олишни кўзлаб турибди. Аномал совуқ ҳам бу боғларга таъсир ўтказа олгани йўқ. Чунки уста боғбон меҳнатдан қочмайди, токларни ота-боболар қўллаб келган усулда кўмиб чиқади.

— Қиш совуқ келса-келмаса, барибир токларни кўмаман, — дейди Усмонхон ота. — Чунки ток ер остида "ором" олиши керак. Кўмилган ток эса жуда серҳосил бўлади. Буни тажрибаларда синовдан ўтказганман. Шунинг учун бу усулни қўллашни канда қилмайман. Ҳар бири одамнинг билагидай келадиган ва шох бойлаб, тарвақайлаб кетган бу токлар қандай кўмилади, деб ажабланишингиз мумкин. Буни амалга оширадиган ишчилар бор. Ҳар мавсумда 6 нафар кишини мавсумий ишга жалб этаман. Топадиган даромадимнинг 20 фоизини уларга иш ҳақи қилиб бераман. Токни кузда кўмиш, баҳор ойида очиш, тагига ишлов бериш каби юмушларни улар кам-кўстсиз бажаришади. Шунга яраша маош ҳам олишади.

Усмонхон ота хонадонидан қишин-ёзин узум аримайди. Қиш чилласи дейсизми, кўклам ва айни баҳор пайти дейсизми, янги узилгандай дуркун узум дастурхонни безаб туради. Азалдан ота-боболаримиз ҳам узумни қишга асраб, шифобахш доривор сифатида фойдаланишган. Отахон ҳам падаридан ўрганган усуллар ҳақида сўзлаб берди.

— Узум — жуда шифобахш неъмат, — дея фикрини давом эттиради у. — Машҳур ҳаким Абу Али ибн Сино узум ва майизни ичак оғриқлари, буйрак ва қовуқ нохушликларини бартараф этишда ишлатганини ўқиганман. Ҳатто барги ва жингалакларидан бош оғриғи, кўз шамоллаши, меъда, қулоқ касалликларини даволашда фойдаланилган. Қуритилган барг шираси билан ичкетма, поя ва шохларининг кули билан тери касалликларини даволагани халқимизга маълум. Биз ҳам узумни қиш учун асл ҳолида асрашга ҳаракат қиламиз. Бунинг учун навдаси билан бирга узилиб, навдасининг учи сувга ботириб қўйилади. То баҳор ойларигача узум худди токда тургандай бўлиқ бўлади. "Победа" навидан майиз ҳам қиламиз. Майиз данаги билан бирга ховончада туйилиб, ёнғоқ билан аралаштирилади. Кейин алоҳида-алоҳида қилиб юмалоқ ҳолга келтирилади. Бу болалар учун жуда фойдали. Одамнинг кўзини равшанлаштиради, буйракни тозалайди. Шу боис одамлар қанча кўп узум еса, шунча соғлом бўлади.

Боғбон отани узумчиликдан бахтини топган, десак, сира муболаға эмас. Фарзандлари Шерзод, Дилмурод ва Юлдузни ўқитиш, уйли-жойли қилиш, фаровон яшашига кўмаклашиш замирида боғбон меҳнати мужассам. Фарзандлар эса шундай отаси борлигидан фахрланишади. Бирор юмуш қилаётган бўлса, дарров қўлидан ишини олади, бир пиёла кўк чой тутқазиб, сиз дамингизни олинг, дейишади. Лекин отахон бунга кўнмайди. "Ҳали бақувватман, куч-қувватдан қолганим йўқ", деб зарур юмушларни ўзи бажаради. Узумини енг, боғини суриштирманг, дейди болаларига. Бу мақол замирида узумчиликнинг меҳнати нақадар оғирлигига ишора бор.

Ота ибратли бир ривоятни айтиб берди. Меҳнаткаш бир боғбоннинг танбал, ишёқмас ўғли бор экан. Кексайиб, белидан куч, кўзидан мадор кетибди ҳамки, уни ҳеч ишга ўргата олмабди. Ўлими олдида у ўғлига "мана шу токлар остида хазина бор, уни ковлаб олгин", деб васият қилибди. Ўғил белкурак олиб, барча токлар тагини ковлаб кўрибди, аммо олтин чиқмабди. Шу йили ток шундай мўл ҳосил берибдики, ундан келган даромад жарақ-жарақ пул бўлибди. Шунда ўғил отаси нимага ишора қилганини англаб, падарининг ишини давом эттирибди.

— Президентимизнинг ибратли бир ташаббуси ҳамма жойда қанот ёза бошлади, — дейди Усмонхон ота. — Ёш, навқирон йигит-қизларга 50 сотихдан ер ажратиш жорий этилди. Бизнинг ҳудудда ҳам ток экиш, узум етиштириш мақсадида ёшларга ер берилди. Бу жуда яхши бўлди. Аммо ерли ёшларни назорат қиладиган, уларга иш ўргатадиган, тавсия берадиган одамнинг ўзи йўқ. Шундан бўлса керак, баъзи экилган токлар қаровсиз қолди, айримлари эса ернинг умрини бекор ўтказмоқда. Таклифим шуки, ер олган ёшларга уста боғбонлар масъул этиб қўйилса, нур устига нур бўларди. Масалан, мен ёш боғбонларга токни қандай парвариш қилиш кераклиги ҳақида тавсия беришдан эринмайман. Бунинг учун ҳақ ҳам сўрамайман. Фарзандларимизнинг ишга иштиёқи ошса, юртга қут-барака кирса, шунинг ўзи кифоя.

Фарғона вилоятининг Олтиариқ тумани узумчиликнинг марказига айланган. Омилкор боғбонларнинг тажрибасини мамлакатда кенг ёйиш бўйича катта саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Яқинда олтиариқлик боғбонлар Пискент туманидаги узумзорларни кўздан кечиришди, ўзларининг қимматли тавсияларини беришди. Мингтепа маҳалласида ҳам бўлишди. Усмонхон ота узумзорларига юксак баҳо беришди. "Худди Олтиариқдаги узумзорларга кириб қолгандай бўлдик, ҳеч қандай фарқи йўқ", деб ҳайратланишди.

— Бу эътирофни эшитиб, жуда қувондик, — дейди "Мингтепа" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шуҳрат Эшбеков. — Айниқса, Усмонхон ота Орипов токзорларини кўриб, улар "Сиздан ҳам ўрганадиган жиҳатлар бор экан", дейишди. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги вакиллари ёшларни олиб келиб Усмонхон ота тавсияларини олишади. Маҳалламизда 3900 нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. 617 хонадон бор. 550 хонадон узумчилик билан машғул. Ҳозирги кунда Тошкент шаҳри бозорларига кунига 10 тонна атрофида узум етказиб берилмоқда. Узумчилик нафақат маҳалламизнинг, балки туманимизнинг ҳам драйверига айланган. Мавлуда Каримова, Жўра Қурбонов, Раҳимбой Мажидов каби уста-боғбонларимиз ўзларининг ортидан ёшларни эргаштириб, уларга ота-боболаридан мерос касб — узумчилик сир-асрорларини ўргатишмоқда.

**"…Ток қанча осмонга кўтарилмасин, томири она заминда. Кучни ердан оляпти. Аслида олтинга тенг тупроғимизнинг ўзи мўъжиза. У билан тиллаша олсангиз, хазинасини очади."**

Яқинда Усмонхон ота қўнғироқ қилиб қолди: "Олтиариқ туманида узумчилик тажрибаси кенг оммалашяпти. Бу яхши ташаббус. Пискент тумани боғбонлари тажрибаси ҳам оммалаштирилса, ёмон бўлмасди. Албатта, шундай деб ёзинг, хўпми?" деди у. Бу ташаббусга қўшилмасликнинг иложи йўқ, назаримизда.

**Фахриддин БОЗОРОВ
(«Халқ сўзи»).**

РЕКЛАМА

## ГЕОЛОГИЯ ФАНЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҚУЙИДАГИ ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

**1. Умумий геология кафедраси:**
- профессор — 1 нафар;
- доцент — 1 нафар.

**2. Фойдали қазилма конлари геологияси ва геофизикаси кафедраси:**
- кафедра мудири — 1 нафар;
- доцент — 1 нафар.

**3. Геология-қидирув ишлари техникаси ва технологияси кафедраси:**
- ўқитувчи — 1 нафар.

**4. Нефть ва газ геологияси, гидрогеология ва геоэкология кафедраси:**
- кафедра мудири — 1 нафар;
- профессор — 1 нафар;
- катта ўқитувчи — 1 нафар.

**5. Иқтисодиёт ва ижтимоий фанлар кафедраси:**
- кафедра мудири — 1 нафар;
- доцент — 1 нафар;
- катта ўқитувчи — 1 нафар;
- ўқитувчи — 1 нафар.

**6. Аниқ ва табиий фанлар кафедраси:**
- профессор — 1 нафар;
- доцент — 1 нафар;
- катта ўқитувчи — 1 нафар;
- ўқитувчи — 1 нафар.

**Танловда қатнашадиган номзодлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:**

1. Университет ректори номига ариза;
2. Ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа (маълумотнома);
3. Олий маълумоти тўғрисидаги дипломлар нусхаси;
4. Илмий унвон ва илмий даража тўғрисидаги дипломлар нусхаси;
5. Илмий ишлар рўйхати (сўнгги 3 йил);
6. Малака оширганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

***Ҳужжатлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.***

***Манзил: 100164, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Олимлар кўчаси 64-уй. Тел.: 71-209-10-75.***

Китоб жавонингизга

## МЕҲНАТКАШ ҚАЛАМДАН ТОМГАН БЕБАҲО САТРЛАР

*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, адиб, шоир ва таржимон Нусрат Раҳмат бу йил умрининг 83-довонидан ошди, ижодкор бу йўлда не-не пасту баландлик, қувончу заҳмат, бахту армонларга дуч келмади дейсиз, бироқ, асосийси, у ижод қилиш, яратиш, ҳис этиш ҳамда яшаш завқидан бир лаҳза ҳам четда қолмади. Пировардида кўплаб асарлари халқимиз қалбию кутубхонасидан муносиб жой эгаллади, кўнгилларга фараҳ бағишлади, онгу шуурга муҳрланди.*




Дарҳақиқат, адиб қизғин ижодий жараёндан бир зум тўхтаб қолгани йўқ, янги асарлар битиб, ўқувчиларини хушнуд этиб келяпти. Мисол учун, яқинда унинг уч жилдга жамланаётган сайланмасининг биринчи жилди чоп этилиб, ўқувчилар қўлига етиб борди. Ундан муаллифнинг "Фожиа", "Айиқ эргаштирган амаки", "Номаълум одам ҳикояси", "Фақат хўроз ҳақда эмас" каби ўндан ортиқ ҳикоя ва сўнгги йилларда ёзган долзарб мақолалари жой олган. Мазкур китобдаги асарларда публицистика ва бадиий тўқималар шунчалик уйғунлашиб кетганки, ўқувчи уларни қайта-қайта мутолаа қилишга ошиқади.

Нусрат Раҳмат Маҳмудхўжа Беҳбудий адабий меросини ўрганиш бўйича ҳам салмоқли ишларни амалга ошириб келмоқда. Хусусан, 2020 йилда нашр қилинган "Жадид" (Беҳбудийга бахшида ҳикоялар) номли асари бу эзгу ишнинг чин маънодаги давоми бўлди. Асардаги ҳикоялар фақат Беҳбудий ёки жадидлар эмас, балки маориф ва маънавият учун жонини тикканлар, уларнинг зиддиятларга тўла ҳаёти ҳақида ҳам сўзлайди.

Муаллифнинг яна бир жиҳати борки, у нимадир ёзмоқчи бўлса, ҳайиқмайди, сабот ва иштиёқ билан ижод столига ўтиради. Кўп йиллардан буён қайта босилиб келаётган "Фарзандга ўгитлар" китоби ана шу интилишнинг меваси, десак, айни ҳақиқат. Бу китоб инсонга, хусусан, навқирон авлодга турфа асосли ва таъсирчан ҳикоятлар орқали тўғри йўлни топишда кўмак бера олиши билан қимматлидир.

Фидойи адиб Нусрат Раҳматнинг қаламига мансуб ҳар бир сатр, сўз ҳамда фикр ўқувчини мушоҳадага чорлаб, ажиб мутолаа завқини бахш этишига шубҳа йўқ.

## СЕРҚИРРА ИЖОДКОРНИНГ ЎҚУВЧИЛАРГА ТУҲФАСИ

*Бадиий ижод боғи хушманзара дарахтлари, турфа гулу чечакларнинг анвойи ифори билан гўзал ва тароватлидир. Таниқли публицист, шоир, драматург ҳамда носир, жамоат арбоби Фармон Тошев оташин шеърлари, ҳаётий-фалсафий ҳикоялари билан бу боғ кўркига кўрк бағишлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда, десак, янглишмаймиз. Унинг яқинда нашр қилиниб, кенг китобхонлар қўлига етиб борган тўрт жилдлик сайланмаси ҳам ижод йўлидаги самарали фаолиятининг яққол ифодасидир.*




Сайланманинг биринчи жилдидан ижодкорнинг сўнгги йилларда ёзган қисса ва ҳикоялари ўрин олган бўлиб, улар уйдирмалардан холи, яшалган ва ҳис этилган туйғулар, ўйлар натижасида қоғозга туширилган. Улардаги адабий қаҳрамонларни ҳеч иккиланмай муҳтарам ўқувчига "Сиз уларни танийсиз", деб айтиш мумкин. Шу боис уларнинг ҳаёти, орзу-армонлари, ғам-ташвишлари ва қувончи, мухтасар айтганда, ўқувчиникидир.

Иккинчи жилдга ижодкорнинг Қарнабий тахаллуси остида ёзилган девони киритилган бўлиб, ундан жой олган ғазаллар кирилл алифбоси асосида жойлаштирилган. Унда 14 жанрга оид ижод намуналари тўпланган. Муаллиф ушбу мужалладни тузиш жараёнида узоқ меҳнат қилганини девондаги жанр ва вазнлар хилмахиллигидан ҳам сезиш қийин эмас.

Учинчи жилд ҳам ўзига хос мазмун-мундарижага эга, ҳиссиёт ва тафаккур тегирмонида янчилиб маромига етган бадиий ижоднинг энг гўзал жанри — шеърлардан ташкил топган. Ушбу жилдда юзга табассум ҳадя этувчи, ҳазил билан йўғрилган шеърлардан тортиб кўнгилни маҳзун этиб, ўйга толдирувчи ашъоргача мавжуд. Бу ҳолат ҳассос шоирнинг маҳоратидан, истеъдодининг бетакрорлигидан далолат беради, албатта.

Тўртинчи жилддан муаллифнинг турли йилларда матбуот нашрларида чоп этилган бадиий-публицистик мақолалари, замонамизнинг илғор кишилари ҳақидаги очерклар, тарих ва бугунги ҳаёт экс этган драмалар ўрин олган. Китобхон мутолаа давомида ўзи гувоҳ бўлган, кўрган, дилдан ҳис этган воқелик манзараларидан чексиз завқу шавққа тўлиши билан бирга, оғриқли, аммо ҳаётбахш ўй-хаёлларга толиши аниқ.

Ушбу асарлар ўзига хос ифода услуби, бадиий-эстетик таъсирчан воситаларга бойлиги, ҳаётий ва юракдан ёзилгани билан ўқувчиларни беэътибор қолдирмайди.

**«Халқ сўзи».**

**«Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида» туркумидаги китоб-альбомлар «Ҳазрат Султон» давлат тарихий-маданий музей қўриқхонасига топширилди.**




МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 842. 12 771 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.05 Топширилди — 00.20 1 2 3 4 5 6